

ШАРТНОМА № 01/12-2022/1

«05» Январ 2022 йил

Ширин шаҳри

“Сирдарё сув таъминот” МЧЖ Ширин шаҳар бўлими номидан раҳбар Н. Курбонов кийинги урида мазкур “Низом” бўйича “Таъминотчи” деб аталади, иккинчи томондан Ширин шаҳар Истеъмолчи Ю.Евров кейинги урида “Низом” бўйича “Истеъмолчи” чи деб номланувчи номидан раҳбар \_\_\_\_\_, ушбу шартнома ни туздик.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. Таъминотчи икки томонлама келишилган шартномага асосланиб (ташкilotлар, ишлаб-чиқариш, хўжалик хиссобидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар, маиший хизмат кўрсатувчи шахобчалар ва бошқа турдаги улгуржи истеъмолчилар) ўз ишлаб чиқариш техник имкониятидан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчига 2022 йил учун чегаралаб берган (лимит) \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup> ичимлик сувини етказиб беради, оқова сув тармоғидан фойдаланувчи жойларда ичимлик сувининг миқдорига тенглаштирилган ҳолда 2022 йил учун чегаралаб берилган (лимит) \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup> оқова сувини қабул қилади, марказий иссиқ суви таъминотига эга булган жойларда иссиқ сув хисоблагичи булмаса, меъерий ҳужжатлар 3-тупламининг 4.9 бандига асосланиб 1.3 коэффициент билан оқова сувига қушиб хисоб-китоб қилинади. Ҳақ депутатлари Сирдарё вилояти Кеңгаши томонидан тасдиқлаб берилган 1м<sup>3</sup> ичимлик сувининг таннари (ҚҚС қушилиб) 2825 сўм, м<sup>3</sup> оқова сувининг тан нархи (1430) сўм

1.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи” ни О’зДСт 950: 2011 “Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати” амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

Агарда “Истеъмол”чи чегаралаб берилган ичимлик ва оқова сувларини ортикча сарф қилганда кўрсатилган нархларининг бир ярим баробар миқдорда хисоб-китоб қилинади, нархлар ўзгарганда ёзма равишда хатлар, газета ва ойнаи жаҳон орқали эълон қилинади, эълон қилинган кундан бошлаб кучга қиради ва янги таннархлар билан хисоб-китоб қилинади. “Истеъмол”чи янги тан нархлар ўзгарган кундан бошлаб қушимча чегарали суммалари олишлари шарт булади.

1.3. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” бутун дебиторлик қарздорлиги ёпилиши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан қаида 30 кун олдин далолатнома ни тузиш ва имзолаши зарур. “Истеъмолчи” чиқиб кетганидан сўнг, тамгалар ва хисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

1.4. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олинади.

1.5. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

буида: М – 0.60га тенг булган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) м<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг булган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

#### Қуйидаги ҳолатларда:

1.5.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ булган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

1.5.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

1.5.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

1.5.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси йшдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 1 қисмининг

1.5. бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

1.6. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкilotи томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиши, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

1.7. Ўт ўчириш жумраклари ва гидрантлар “Таъминотчи”нинг ишончли вакиллари томонидан тамгаланати ва бу ҳақда икки томонлама далолатномалар тузади ва ундан рўхсатсиз фойдаланиш тақиқланади.

1.8. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи”лар томонидан тайинланган вакилларсиз сув хисоблаш ускуналарини ўрнатиш, техник рўхсатномалар олиш, ичимлик сувини узлари ишлаб чиқаришга эга булган корхоналар томонидан “Таъминотчи”нинг рўхсатсиз оқова суви тармоғига уланиб олиш ёки чиқариш ташлаш тақиқланади, манна шундай ҳолатлар аниқланганда далолатномалар тузилиб жаримага тортилади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. “Истеъмолчи” ичимлик ва оқова сув қувурларидан фойдаланиш қондасига ва техник хафсизлигига риоя қилиш, ичимлик сувларини исроф бўлишини олдини олиш, тамгаларни бузиш, ичимлик ва оқова сув қувурлари жойлашган жойларини назорат қилиш учун “Таъминотчи”нинг вакилларини қаршиликсиз киритиш шарт.

2.2. “Истеъмолчи” сув хисоблаш ускунасини (СХУ) ўз хисобидан олиш ва ўрнатиш мажбуриятни олади ҳамда ичимлик ва оқова сув қувурлари ускуналарига жавобгар шахс (Ч. Нефисов) ни ишончли вакил этиб тайинлайди.

2.3. “Истеъмолчи” истеъмол қилинган ичимлик ва оқова суви ҳаққини “Таъминотчи” томонидан берилган хисоб-тулов варақаси ва солиштирма далолатномалари бўйича келгуси ойнинг 10 санасигача тулаб бериш мажбуриятини олади, тулов уз вақтида амалга ошмаган ҳар бир кун учун 0,4 % миқдорда жарима тулайди.

а) “Истеъмолчи” шартномада келишилган миқдордан ортикча ичимлик сувини истеъмол қилганда, ўз бошимчалик билан ичимлик ва оқова сув тармоқларига уланиганда, ёки олдиндан 100% пул маблағини олдиндан туламаганда ёки муддати утган дебитор қарздорликлари мавжуд булган ҳолда ичимлик ва оқова сув таъминотидан тухтатилади.

2.5. Ичимлик сув ва оқова суви қувурлари хўжалигини қайта қуриш ва уланиш “Таъминотчи” томонидан тасдиқланган техник шартлари асосида бажарилади.



- 2.6. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га ичимлик суви билан таъминлаш ва окова сувларини кабул килиб олишда чегаралаб берилган ичимлик сув миқдорини тулик етказдириб бермаганлиги аниқланса, кейинги ойлар чораклар ва йилнинг охиригача кунгача етказдириб бериш мажбуриятини олади.
- 2.7. "Таъминотчи" ичимлик суви ва окова сувларининг асосий тармоқларидаги шикастланишларни киска вақт ичида бартараф этиш мажбуриятини олади.
- 2.8. "Истеъмолчи" ичимлик ва окова сув хажми тугрисидаги ҳисоботларини ҳар ойнинг 25 санасигача ўзининг ишончли вакиллари орқали "Таъминотчи"га тақдим этиш, манзили ёки ҳисоб рақами узгарганда ёзма равишда "Таъминотчи"га хабар бериш шарт.
- 2.9. Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш окова сувларини "Истеъмолчи"лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш окова сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда ифлослангирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.
- 2.9.1. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов талабномаси ва ҳужжатда кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ:

- 3.1. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг ўз вақтида хизмат туловини амалга оширмаганлиги учун сув тармоғидан ўзиш ёки қисқариши натижасида мулкий жавобгарлик мажбуриятини олмайди.
- 3.2. "Истеъмолчи" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги 5241-сонли "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасидаги тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا Фармонига асосан ичимлик сув учун олдиндан 100% тўловни амалга оширади.
- 3.3. Агар "Истеъмолчи" хизмат туловини ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кунга учун 0,4 % миқдорда устама пеня тулайди ва бу устама пеня суммаси асосий қарздорлик суммасининг 50 % дан ошмаслиги лозим.
- 3.4. Ушбу шартнома талаблари оқибатида томонлар бир-бирига етказдирилган моддий ва маънавий зарарлар "Таъминотчи" ёки "Истеъмолчи" томонидан далолатномалар тузилган ҳолда қопланади.

### IV. ФОРС-МОЖОР:

- 4.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга муносиб равишда узайтирилади.
- 4.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.
- 4.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР:

- 5.1. Ушбу шартнома асосида томонлар уртасида ичимлик суви билан таъминлаш ва окова сувларини қабул қилиб олиш шартномавий муддатини узайтиришда ёзма равишда хатлар орқали ёзма хабар беришлари шарт.
- 5.2. Шартноманинг амал қилиш муддати «05» 01 2022 йилдан «31» декабрь 2022 й.гача.
- 5.3. Шартномага узгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни асосида амалга оширилади.
- 5.4. Томонлар уртасида ечилмай қолган шартлар жавобгар жойлашган ҳуқуқий органлар орқали ҳал қилинади.
- 5.5. Шартнома 2 нусхада тузилган, икала нусхаси бир ҳил ҳуқуқий кучга эга.

Ичимлик суви учун йиллик чегарали сумма: 80 64225. Селмишу шимшиок олтишу гўл шими киле сум  
 Окова суви учун йиллик чегарали сумма: (3933430-) сум бир нў элимил бек  
 Жами сумма: 11498155 сум (4) бир шимшиок олтишу гўл шими киле сум шу жумладан бюджет  
 ҳисобидан 11498155 сум (4) бир шимшиок олтишу гўл шими киле сум

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

"Таъминотчи"  
 "Сирдарё сув таъминот" МЧЖ Ширин шаҳар бўлими  
 Ширин ш. Бузук Турон кучаси  
 Тел: 67-764-38-34  
 Х/р: 22638000700134816416  
 Ипотека банк Ўзбекистон ш.  
 МФО: 00364, ИНН 200323842  
 ОКОНХ:  
 Раҳбар:



"Истеъмолчи"  
 Ташкилот номи Ширин шаҳар бўлими  
 Манзил: Ширин шаҳар бўлими  
 Тел/фак: 764-4844/х/р: 100000002410200036420000  
 Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201122918  
 ОКОНХ 4.2.20  
 Газначилик бўлими сум Ширин ш. Бузук Турон кучаси  
 Газна х/р: 2340000030010001000  
 Банк номи Ширин ш. Бузук Турон кучаси  
 Газначилик бўлими сум СТИРи 201122918  
 Раҳбар: Ширин



Мен ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдан Адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқшунослик қилиш учун аттестациядан утганман ва менга № \_\_\_\_\_ рақамли ҳуқуқшунослик гувоҳномаси берилган. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг барча қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ва икки томоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланганлигини тасдиқлайман. Бабаев К.Р.





05.01.2022 даги

"Сирдарё сув таминоти" МЧЖ Ширин филиали ва Ширин энергетика коллежи ўртасида 8064225,00 сўм  
умумий суммага тузилган 01/12-2022/1 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб \_\_\_\_\_ 280 \_\_\_\_\_  
Шахсий ғазна ҳисобварақ \_\_\_\_\_ 100010860244107092600280001 \_\_\_\_\_

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4224000			
Январь	2 688 075,00			2 688 075,00
Февраль	2 688 075,00			2 688 075,00
Март	2 688 075,00			2 688 075,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>8 064 225,00</b>			<b>8 064 225,00</b>

Жами 8064225,00 сўм

Саккиз миллион олтамиш тўрт минг икки юз йигирма беш сўм 00  
тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\* ) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинимасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\* ) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойнага \_\_\_\_\_% жорий ойнанинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) отказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

Ғазначилик бўлинимасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ й.

(имзо)

Хусанов Алфаробии Хаитматович

Ф.И.Ш.

(имзо)

Игамкулов Сайдулла Мамасалиевич

Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ й.